

ISSN 2181-4791




**IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

**IMAM BUKHARI INTERNATIONAL
SCIENTIFIC RESEARCH CENTER**



**№1
2022**



IMOM BUXORIY SABOQLARI

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-
adabiy jurnal*

*Spiritual and educational,
scientific-literary journal*



2022-YIL –

**INSON QADRINI
ULUG'LASH VA FAOL
MAHALLA YILI**

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Биз ота-боболардан миннатдоримиз, фарзанд ва набиралар биздан миннатдор бўлсин....3

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Отабек МУҲАММАДИЕВ, Дилмурод ҚУЛМАТОВ. “Лубобул Калом”даги долзарб ақидавий масалалар.....5	5
Очил БЎРИЕВ, Асал МУҲАММАДИЕВА. Аждодларимиз меросида ёлғончилик иллатининг қораланиши.....6	6
Максуда ХАЖИЕВА. Ҳикматларда яширилган дурдоналар.....8	8
Гулчеҳра НАВРЎЗОВА. Ҳалоллик – тинчлик ва хотиржамлик асоси.....9	9
Шоислом АКМАЛОВ. Алломалар меросининг илмий-маърифий аҳамияти.....11	11
Жамолиддин ЖЎРАЕВ, Завқиддин БУРХОНОВ. Алишер Навоий асарларида арабча орттирма сифат даражаларининг қўлланиши.....13	13
Равшан ТУРСУНОВ. Абдурауф Фитратнинг экологик маданият ва билимларга оид қарашлари.....14	14
Маҳаммадсидиқ УСМАНОВ. Имом Насоий – буюк муҳаддис.....16	16
Абдувоси ШОНАЗАРОВ. “Саҳиҳул Бухорий”нинг замонлар оша сақланиши ва тарқалишида Фирабрийнинг хизматлари.....18	18
Исроилжон НАСРИДДИНЗОДА. Хусомуддин Садр Шаҳиднинг ҳаёти ва илмий фаолияти тарихи.....20	20
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Тасаввуф ва Чиштия тариқатида ахлоқий-тарбиявий муносабатлар.....22	22
Sohibjon UMARJONOV. Muhammad ibn Umar Fahriddin Roziy asarlarining qisqacha sharhi.....24	24

НОДИР МАНБАЛАР

Гулчеҳра ҒАФҒАРОВА, Гулбаҳор ЖАЛАЛОВА. Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий асарларида фанлараро ёндашув ғоялари..... 26	26
Латофат ХОЛНАЗАРОВА. Ўрта Осиё хонликларида тазкиранавис ижодкорлар.....27	27
Нодирбек АБДУЛАХАТОВ. Саййид Камолиддинхожа Косонийга бағишланган марсиялар тадқиқи.....29	29
Шукурилло УМАРОВ. Муҳаммад Юнийнинг “Саҳиҳул Бухорий” асарига ёзилган “Юний” нусхаси.....31	31
Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид қимматли тарихий манба (фалсафий-тарихий таҳлил).....33	33
Лола АЗИМОВА. Холис Тошкандий ва Абдуқайюм Ваҳмий ижодида ислом тарихи воқеаларининг бадиий талқини (XIX аср).....34	34
Gulnoza ALIJONOVA. “Kutubi Sitta” to'plamlari shakllanishida Imom Buxoriy “Al-Jome as-sahih” asarining o'рни.....36	36

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Юнус ХОЛИҚОВ. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенгликни мустаҳкамлашнинг ўзига хос хусусиятлари...39	39
Шоира ИНДИАМИНОВА. Суғд мусиқа санъатининг жаҳон маданиятига таъсири.....40	40
Раъно ТЎХТАЕВА. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда молиявий ҳаёт ва унинг издан чиқиши.....42	42
Диёржон АБДУЛЛАЕВ. Муқофотлаш тадбирлари ва унинг ўзига хос кўринишлари (XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё хонликлари мисолида).....44	44
Икром ДЖУРАЕВ. Ривоятдаги ҳақиқат излари.....46	46
Музаффархон ЖОНИЕВ. Чор Россияси даврида Самарқанд вилояти мусулмонларининг ҳаж сафарлари...48	48
Дилфуза БЕГАЛИЕВА. Хива хонлигида бий лавозимининг ўрни.....49	49
Феруз БОБОЕВ. Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши кураш кучайишида диний сиёсатнинг таъсири (1918-1935 йиллар).....51	51
Гулмамат АҲМЕДОВ. Маҳмудхўжа Беҳбудий – Самарқанд жадидларининг йирик намояндаси.....53	53
Маъруф ҒОВСИДИНОВ. Э.Е.Бертельс тадқиқотларида Жомий ахлоқий қарашларининг ёш авлод тарбиясидаги ўрни.....55	55
Latofat IBRAGIMOVA. “Ravshanxon” dostoni tilida tarixiy so'zlar va ularning leksik-semantik xususiyatlari.....57	57
Sobirjon ISOQOV. XIX asr boshida O'rta Osiyo xonliklarida din, siyosat va savdoning holati Mir Izzatulloning хотираларида.....58	58
Mirzhalolhon ASATULLAYEV. The state of Public education in Samarkand during the great patriotic war.....60	60
Dilmurod MAMARASULOV. Samarqanddagi Mirzo Ulug'bek madrasasi ta'mirlanishiga doir.....63	63

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Бахти ОЧИЛОВА. Исломда оила муносабатлари ва эр-хотин ўртасидаги муштарак ҳуқуқлар.....66	66
68.....كامل سميع الله إسكندر. خدمات علماء التتار في تفسير القرآن وبيان معانيه.	
Хусан ДЖУРАКУЛОВ. Ёшларнинг экологик онги ва маданиятини юксалтиришда ислом динида илгари сурилган ғоялардан оқилона фойдаланиш зарурати.....72	72
Одилжон ЭРНАЗАРОВ. Шарқий Осиёда ислом динининг тарқалишига оид тадқиқотлар таҳлили.....73	73

Илёсжон СИДДИҚОВ. Ўрта асрлардаги ислом маданиятида интеллектуал тараққиётнинг вужудга келишида ворисийлик анъаналари: Тадқиқотлар таҳлили.....	75
O'ktamjon AMONOV. Zamonaviy iqtisodiyotda islom banklarining ahamiyati va xususiyatlari.....	77
Алаас Эрхан Жогор Уола. Взгляд исламского шариата на смену пола и вытекающие из этого изменения в порядке наследования.....	80
Мохира ЖУМАНИЯЗОВА. Ислом фалсафаси ва тафаккурида хотин-қизлар саломатлиги масалалари.....	82
Ислам МЕЙРИЕВ. Взгляды известного мусульманского богослова Мустафы Сабри относительно прав женщин на базе книги «Каули фи аль-мар`а».....	83

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Хусниддин АХМЕДОВ. Мустақил тараққиёт – фуқаролик жамияти барпо этиш омили.....	86
А.А. УСМАНОВА, А.В. ШМАКОВА, А.С.УГАЙ. Проблемы межнациональных браков в современном обществе.....	88
Аббос ДЎЛАНОВ. Янги Ўзбекистонда мустақил фикрлаш ва янгича руҳиятни шакллантириш зарурияти.....	90
Рамз РУСТАМОВ. Тарғибот типлари, унинг мақсад ва вазифалари.....	92
Бехруз ТУРДИЕВ. Обновления идеосферы в стратегии развития Нового Узбекистана.....	93
Мирсултон КАДИРОВ. Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш йўллари.....	96
Феруза ДЖУРАЕВА. Бадиий тафаккур ёғдусини излаб: Қадим араб нотиғи хитобаси мисолида.....	98
Турсунмурод МАМАТҚОБИЛОВ. Ижтимоий ислохотлар жараёнида бошқарувнинг ўзига хослиги.....	101
Шерахон ХОШИМОВ. Ўзбекистоннинг миллий туризми ўз-ўзидан ривожланиб боровчи тизим сифатида.....	103
Мансур ВАХАБОВ. Тарғибот ва ташвиқот тушунчаларининг фалсафий таҳлили.....	104
Фируз РАШИДОВ, Зулфияхон РАШИДОВА. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришда оила институтининг ўрни ва роли.....	106
Рахимбой ЯРМАТОВ, Гулноза ШЕРТАЙЛАКОВА. Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда Имом Бухорий сабоқларининг ўрни.....	108
Рустам БОЙМАТОВ. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви муаммолари.....	110
Сожида ЯХЯЕВА. Эстетик маданият жамиятнинг маънавий-мафкуравий олами сифатида.....	111
Элдар КУРБАНОВ. XXI аср бошида демократиянинг янги назарий асослари.....	114
Асроржон САТТОРОВ. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий ҳамкорлигининг янги стратегияси.....	116
Нуриддин ЮСУПОВ. Эллада халқлари ҳаётида Шарқ.....	118
Баходир ЭШБЕКОВ. Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик онгини шакллантириш механизмлари.....	120
Жонибек ТАНИКУЛОВ. Медиа ахборот мотивлари – жамоатчилик фикри психологиясига таъсир этиш механизми сифатида.....	122
Хосият НАФИДДИНОВА. Хорижлик олимлар асарларида оила, оилавий маросимлар ва улар билан боғлиқ масалаларнинг ёритилиши.....	124
Обид ТАНГИРОВ. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрида маҳаллий бошқарув лавозимларига сайлов тартиблари.....	126
Сухроб ЭРГАШЕВ. XX аср бошларида Бош Вақф бошқармасининг сиёсий фаолияти.....	128

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Зиёдулла ДАВРОНОВ. Борлиқ ҳақидаги концепциянинг ўзига хос талқини.....	130
Гулноза СУЛТАНОВА. Фан, техника ва таълимда проектив тафаккур тарзи когнитив инновация тури сифатида.....	131
Замирахон ИСАҚОВА. Тасаввуф таълимотида каромат масаласи: Фалсафий-ирфоний талқин.....	132
Сарвар АБДУЛЛАЕВ, Насрулло ТЎХТАЕВ. Ислом ва бошқа фалсафий қарашларда инсон ихтиёри ва ирода эркинлиги.....	135
Махмуд МАЖИТОВ. Шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	137
Равшонбек САУРОВ. Давлат хизматларининг либерал демократик ва кратологик характери.....	139
Рауф БЕКБАЕВ. Суфизм в контексте философии традиционализма Рене Генона.....	141
Элёр УЛУҒМУРОДОВ. Глобаллашув даврида дин ва ахлоқ ўртасидаги муносабатларнинг фалсафий таҳлили.....	142

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни.....	145
Нигора БУРАНОВА. Инсон қадрли илм биландир.....	146

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Нилуфар ШУКУРОВА. Ёшларнинг оммавий маданият таҳдидларига қарши курашишдаги роли.....	148
--	-----

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Мусулмоннинг хислатлари.....	150
------------------------------	-----

кетаётганини кўрсатмоқда. Қолаверса, ўсиб келаётган ёшларда ахборот олиш маданиятини шакллантиришдаги сусткашлик натижасида медиа ахборот психологиясининг олдида инсониятни “қарамлик” даражаси ошиб бормоқда.

Иккинчидан, жаҳонда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашуви, жиноятчиликнинг мисли кўрилмаган даражада ўсиши ва унинг ижтимоий хавфлилик даражасининг кучайиши, ҳуқуқий нигилизм, маънавий-ахлоқий кадрятларнинг таназзулга учраши шароитида медиа ахборот воситаларининг психологик таъсири янада ошиб бормоқда. Бугунги медиа ахборот воситалари шахснинг психикасига таъсир ўтказишда катта имкониятларни қўлга киритган бўлиб, инсонга танлов имкониятини қолдирмаяпти.

Учинчидан, психоанализ орқали медиа ахборотнинг жамоатчилик фикрини шаклланишидаги ўрнини ўлчаш мумкин. Масалан, медиа ахборот воситалари томонидан улуғланган, ўз инстинктлари ва эҳтиёжларини осонгина ва ҳар қандай восита билан ишончли тарзда қондирадиган, жамоатчилик хоҳлаган “онгсиз таранглик” йўқлигини таъкидлайдиган медиа томошабинларга ўзининг “Super-Men” услубида таъсир этиб, жамоатчилик билан муносабатлар бўйича барча масъулиятни ўзидан соқит қилади. Натижада, жамоатчилик фикрида шакланган “Super-men”нинг ўрни ОАВнинг қаҳрамонлари ва қаҳрамонларнинг “Super-men”ига айланишига олиб келади. Яъни жамоатчиликнинг кейинги хатти-ҳаракати медиа

таъсирдан чиқолмай қолишини таъминлайди.

Маълумот учун: Австриялик психолог, психоаналитик, психиатр ва невролог Zigmund Freyd “Super-men” назариясини ишлаб чиққан.

Тўртинчидан, медиа ахборот воситасининг шахсга таъсирини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда замонавий жамиятнинг маданий ва мафкуравий муҳитини шакллантириш жараёнини психоаналитик асослашни кўриб чиқиш долзарблигича қолмоқда. Zigmund Freyd ўз таълимотида бу масалага психиканинг асосини бирламчи ҳаракатлантирувчилар ташкил этади деб қарайди. Унингча улардан психик фаолиятнинг энг юқори шакли вужудга келади ва бу архаик қатламлар пировардида психиканинг икки қисми (“табиий” ва “маданий”) ўртасидаги интеграциялашув юзага келади [10:115]. Шундай қилиб, шахс кўриб чиқилаётган маданий ва семантик маконда ҳаракатни амалга оширади.

Бешинчидан, ахборот олиш – шахс ижтимоий ривожланишининг табиий-таркибий йўли ҳисобланади. Шу жиҳатдан шахснинг ижтимоий ривожланиши жараёнида унда ахборотга бўлган эҳтиёж пайдо бўлаверади. Бундай табиий жараён натижасида – инсонда ахборот олиш кўникмаси, малакаси ва маданияти ҳам шаклланиб боради. Ахборот олишнинг бундай узвийлиги инсон орқали жамиятга ўтиб боради. Уларнинг таъсири остида инсоннинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабати шаклланади.

ҲОСИЯТ НАФИДДИНОВА

1. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. –Т.: ТДИУ, 2005.

2. Affective Disposition Theories. Media Psychology Review. mprcenter.org. Retrieved, 2015.

3. Shanton Karen. Goldman Alvin (2010). Simulation theory. Wiley Interdisciplinary Reviews: Cognitive Science. 1(4).

4. “PLAY THEORY”. Communication Theory. Retrieved, 2015.

5. Rutledge. PB (2013). Discussing media psychology as a separate field. New York: Oxford University Press. Handbook of Media Psychology at Oxford.

6. [https://www.verywellmind.com/link-between-social-](https://www.verywellmind.com/link-between-social-media-and-mental-health-5089347)

[media-and-mental-health-5089347](https://www.verywellmind.com/link-between-social-media-and-mental-health-5089347)

7. Centre for Addiction and Mental Health. Social media use and mental health among students in Ontario. CAMH Population Studies Ebulletin. 2018.

8. Lin LY. Sidani JE. Shensa A. Association between social media use and depression among U.S. young adults. Depress Anxiety, 2016.

9. <https://www.verywellmind.com/link-between-social-media-and-mental-health-5089347>

10. Szasz Thomas. Karl Kraus And the Soul-Doctors: a Pioneer Critic and His Criticism of Psychiatry and Psychoanalysis. Webster University. webster.edu (2004).

♦ **Аннотация:** Мақолада медиа ахборот мотивларининг инсон психологиясига мос бўлмаган эътиқод ва қарашларни юзага келтирувчи, турли фикр ва воситалар ёрдамида инсоннинг ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олиши ёритиб берилган. **Таянч сўзлар:** Медиа, ахборот, инсон, психология, эътиқод, қарашлар, фикр, воситалар, ҳиссиётлар, истеъмолчилар, дунёқараш, илмий назария.

♦ **Annotation:** The article explains that the media can influence a person's emotions and behavior through a variety of thoughts and means, creating beliefs and views that are incompatible with the motives of information and human psychology. **Key words:** media, information, human, psychology, beliefs, views, opinions, tools, emotions, scientific theories that study consumers, worldviews, means.

♦ **Аннотация:** В статье освещается, как медиа могут влиять на эмоции и поведение человека с помощью различных мыслей и средств, порождая мотивы информации и убеждения, несовместимые с человеческой психологией. **Ключевые слова:** научные теории, изучающие СМИ, информацию, человека, психологию, убеждения, взгляды, мнения, инструменты, эмоции, потребителей, мировоззрения, средства.

ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР АСАРЛАРИДА ОИЛА, ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР ВА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

ХОСИЯТ
НАФИДДИНОВА
БухДУ ўқитувчиси

Оила – никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгорнинг бирлиги, ўзаро ёрдам ва маънавий масъулият билан бир-бирига боғланган. Оила жамиятнинг муҳим элементи сифатида бир қатор ижтимоий вазифаларни бажаради. Халқ, жамият ҳаётига оид урф-одатларни синовдан ўтказиши. Яхшиларини келажак авлодга етказиши.

Ўзбекистонда одамлар бахтли яшаши, оилалар мустақамлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Президентнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридан кўзланган асосий мақсад хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоялаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар

мустақамлигини таъминлаш орқали ҳар бир инсоннинг бахтли ҳаёт кечиршига эришиши” [1].

Оила ҳақидаги тадқиқотлар анча узоқ даврларга бориб тақалади. Ўз даврида Бухоро амирлигига кўплаб сайёҳлар, жосуслар, элчилар келган. Бу юртнинг ўзига хос урф-одат ва маросимларига лол қолган. Шу боис Чор Россиясининг мустамлакасига айлантирилган бу ўлкада оила ва у билан боғлиқ кўпгина жиҳатлар рус олимлари ва этнографлари томонидан батафсил ўрганилган.

Марказий Осиё халқлари этнологиясида мустақил йўналиш сифатида оила, оилавий маросимлар тарихини ўрганишни М.Наливкин бошлаган. Рус олимлари ўз илмий

тадқиқотлари ва этнографик асарларида Бухоро оилаларида мавжуд маросимлардан суннат тўйи, никоҳ тўйи, мотам каби маросимларни кенг ёритган.

Венгр тарихчиси ва сайёҳи Армен Вамбери (1832-1913) ўзининг "Очерки Средней Азии" асарида ўзбек халқига хос никоҳ, дафн ва туғилиш билан боғлиқ маросимлар ҳақида батафсил маълумот берган. Болалигидан ваҳшийлик, ўғрилиқ, аччиқ ҳаёт машаққатлари билан ўсган ёшларнинг муҳаббатнинг нозик томонларини ҳис қилиши Вамберини ҳайратга солган. Кейинчалик бу нозик ҳис-туйғулар ўзбеклар орасида бошқа ислом давлатлари аҳолисига нисбатан кўпроқ учрашига амин бўлган [2: 95-102].

Вамбери никоҳ маросимига алоҳида тўхталиб, бужараёни илчил кетма-кетликда ёритиб берган. Яқиндан танишиб, оила қуришга аҳд қилган ёшлар аввало бу ҳақда ота-онасини хабардор қилади. Улар розилик билдирса, йигит томон совчи юборади. Қиз томон уларни яхши кутиб олса-да, одоб юзасидан дарров розилик бермайди. Шундан кейин қалин ва келинга бериладиган ҳадялар тўғрисида келишув бошланади. Чунки ўзбекларда тўйни барча харажатларини куёв томон ўз зиммасига олади. Одатда "неча тўққиз?" деб сўрашади, тўққиз қўй, тўққиз сигир, туя, от ва ҳоказо. Шаҳарларда эса нечадир марта тўққиз дукат берилса, шундан кейин икки томоннинг келишиши учун суҳбат бошланган. Камбағаллар икки тўққиз, бойлар марта тўққиз, фақат ҳукмдорларгина келинни тўққиз тўққизга олиши мумкин бўлган. Қалиндан кейинги муҳим масала куёв томоннинг келинга берадиган совғаларидир. Улар таркибига узук, зирак, билакузук, тақинчоқ ва бошқалар қиради. Бу буюмлар куёвнинг моддий аҳволига қараб олтин ёки кумушдан бўлган.

Икки томон келишиб олгандан кейин, қариндошлар таклиф қилиниб, фотиҳа тўйи ўтказилган. Кейин келиннинг ёшига қараб катта тўйгача бўлган муддат белгиланади. Тўйдан бир ҳафта олдин куёв томон келиннинг уйига "тўйлик" юборади. Унда гўшт, ёғ, ун, гуруч, шакар, мева ва сабзавотлар бўлиши лозим. Сўнг куёвнинг онаси яқин қариндошлари билан келинни кийимга йўл олади. Тўйга оз муддат қолганда чиройли кийинган куёв ҳам ўртоқлари билан безатилган отларда келиннинг уйига йўл олади. Фақат куёвнинг отаси келин-куёвни тантанали кутиб олиш жараёнига тайёргарлик кўриш учун уйда қолади. Келиннинг уйида эса катта дабдаба билан тўй ташкил қилинади.

Никоҳ маросими келиннинг уйида тўйнинг иккинчи кунининг охирида ўтказилган. Мулла ҳамманинг олдида келин-куёвнинг розилигини сўраган. Келин розилик беришидан олдин унинг гувоҳлари пул ёки совға талаб қилган. Томонлар келишгандан кейин никоҳ маросими якунига етказилган. Кейин келин ҳаммага ўз қўли билан ширинликлар тарқатган. Никоҳ маросимидан кейинги катта базмдан сўнг келиннинг уйидаги тўй маросими ниҳоясига етган.

Келинни аравага ўтқазиб, барча совға-саломлар билан куёвнинг уйига узатишган. Куёвнинг уйигача бўлган масофани хурсандчилик узоқроқ давом этиши учун узайтиришга ҳаракат қилишган. Куёвнинг отаси ҳамма меҳмонларни катта дастурхон билан кутиб олган. Келин юзини очгандан кейин куёвнинг отаси унга қимматбаҳо совға ҳадя қилган. Шу тариқа тўй маросимлари куёвнинг уйида давом этган. Тўй тантаналари тўрт кун: икки кун куёвникида ва икки кун келинникида давом этган. Тўй-томоша фақат еб-ичиш билан

эмас, балки мусиқа, қўшиқ, улоқ маросимларидан ҳам ташкил топган. Улоқ икки ёшли тойлар учун бир фарсах, ёши етган отлар учун уч фарсах майдонда ўтказилган. Белгиланган жойга биринчи бўлиб етиб келган ғолиб ҳисобланган.

Вамберининг асарида никоҳ ёши йигитлар учун 18, қизлар учун 16 ёш деб кўрсатилган. Аммо бу баҳсли масала. Чунки бошқа муаллифларнинг асарларида бу ёш чегараси турлича белгиланган.

Шунингдек, муаллиф дафн маросимлари ҳақида ҳам ўз кўрганларини ёзиб қолдирган. Уч, етти, қирқ ва йил маросимларига, уларда таом ва ҳадялар тарқатилишига эътибор қаратган. Бундан ташқари, муаллиф ўз асарида фарзанднинг дунёга келиши билан боғлиқ маросимлар тўғрисида ёзган.

М.С.Андреев (1873-1948) Ўрта Осиё халқлари этнографияси тўғрисида бир қатор илмий ишлар қилган. У "Таджики долины Хуф" асарида туғилиш ва у билан боғлиқ маросимлар, бешиқ, "чилла", совчилик, никоҳ маросимлари ва дафн маросимлари ҳақида маълумотлар келтирган [3: 120]. Олимнинг билдиришича, эркаклар учун никоҳ ёши 15-20, қизлар учун эса 12 деб белгиланган. Турмуш учун энг муносиби эса 15 ёш ҳисобланган. Лекин баъзи сабабларга кўра тез-тез бўйдоқлар ҳам учраб турган. Шунингдек, рамзий маънодаги никоҳлар бўлган. Бундай никоҳлардан ёш болаларни никоҳлаш орқали турли бахтсизликлардан қутқариш мақсад қилинган. Шунингдек, кўп ҳолларда қариндошлар орасида никоҳлар қайд этилган. Чунки айнан шу йўл орқали мероснинг бегоналар қўлига ўтишидан ҳимоя қилиш имкони бўлган. Совчилик жараёнининг барча жиҳатлари батафсил ёритилган.

Асарда ўлим ва у билан боғлиқ ҳолатлар, оила аъзоларининг майит билан видолашуви, майитни ювиш, қабр қазиш, мотам маросимлари ҳақида маълумотлар берилган.

Яна бир шарқшунос тарихчи, Ўрта Осиё тарихи бўйича мутахассис, Бухоро тарихи ва этнографиясини чуқур ўрганган оlima О.А.Сухарева (1903-1983) ўз тадқиқотларида оила ва у билан боғлиқ масала ва маросимларни кенг ёритган. У "Бухара XIX-начало XX в." асарида Бухородаги йирик ва кичик оилалар, уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқалари, оила аъзоларининг сони, гузарлар бўйича тақсимланиши ҳақида маълумотлар берган [4: 106-110]. Шунингдек, Бухоро шиалари ўтказадиган "Ашуро" маросимини ёритган. Бундан ташқари, ғассолликни алоҳида касб сифатида кўрсатиб, уни тўлиқ тавсифлаган. Бу касб эгасини халқ тилида аталадиган ном билан "мурдашўён" (ўлик ювувчи) деб, уни хизмат кўрсатиш соҳалари қаторига киритган.

Рус этнограф олими Н.А.Кисляков (1901-1973) этнография ва тарихга оид асарларида Бухоро воҳасида ўзбек ва тожик халқлари орасида учрайдиган маросимларга тааллуқли қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Муаллиф "Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана" асарида оила ва никоҳнинг турлари, никоҳ маросимидаги урф-одат ва аъналар, оилавий ва никоҳдаги тақиқлар тўғрисида маълумотлар берган [5: 139-146].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро воҳасидаги оилаларни, оилавий маросимлар ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини чет эллик муаллифлар, айниқса, рус олимлари атрофлича ўрганган. Бу асарлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамияти йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://sud.uz/07-11-2019-222-22/>
2. А.Вамбери. Очерки Средней Азии. – М., 1868.
3. М.С.Андреев. Таджики долины Хуф. – Вып. 1-2. Сталинабад,

АН Таж. ССР, 1953-1958.

4. О.А.Сухарева. Бухара XIX начало XX в. – М., 1966.
5. Н.А.Кисляков. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Ленинград, 1969.



♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада хорижлик тарихчи ва этнограф олимлар томонидан оила, оилавий маросимлар ва улар билан боғлиқ масалаларнинг ёритилиши тўғрисида фикр юритилган. Таянч сўзлар: Оила, оилавий маросимлар, никоҳ, дафн, "Очерки Средней Азии", "Таджики долины Хуф".

♦ **Annotation:** This article discusses the family, family ceremonies and related issues by foreign historians, ethnographers. Key words: Family, family ceremonies, "Очерки Средней Азии", "Таджики долины Хуф".

♦ **Аннотация:** В статье рассматривается освещение семьи, семейных обрядов и семейных вопросов зарубежными историками и этнографами. **Ключевые слова:** Семья, семейные обряды, "Очерки Средней Азии", "Таджики долины Хуф".

DUNYODA ILMDAN BOSHQA NAJOT YO‘Q VA HECH QACHON BO‘LMAGAY.

Imom Buxoriy



Telegram: @bukhariuz | @buxoriysaboqlari



E-mail: buxoriysaboqlari@bukhari.uz